



23
(1497)-son
11-iyun
2021

Хабар

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ, БИРЛАШАЙЛИК!

Жиззах шаҳрида киберспорт мусобақаси ўтказилди



Жиззах вилоятида 5-7 июн кунлари “Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Эллик мингдан зиёд ёшларни қамраб олган фестивалда қатор йўналишлардаги тадбирлар, жумладан, киберспорт бўйича ҳам мусобақа ўтказилди. Мазкур мусобақа Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жиззах ҳудудий бошқармаси ҳамда ИТ-Парк Жиззах филиали томонидан ташкил этилди ва унда 16 жамоа иштирок этди.

Мусобақа сўнигида “МК5” жамоаси ғолиб деб танланди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ОПТИК ТОЛАЛИ АЛОҚА КАБЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛМОҚДА

“Ўзбектелеком” АК томонидан телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва ҳар бир уйга оптик толали алоқа линияларини ётқизиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда аҳолиси учун қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида Андижон вилоятидаги жами 183 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 33 минг хонадонга оптик толали алоқа кабеллари ўрнатилди. Эндиликда вилоятдаги Алчали, Мадийрчек, Гулистон, Оромгоҳ, Зулфикор, Алчазор, Маллачек, Алам, Кўприкбоши, Дўрманча, Сарой, Меҳнабод, Эргашобод, Раиш, Дўлан, Бўстон, Кўтарма, Қайирма, Капа, Кесақ, Юқори Чувама, Бирлашган, Қизилкўприк, Элатан, Бўстонабод, Чўлобод, Қизилтўқай, Маъмуробод, Янги-бўстон, Олтинсой, Сайдобод, Файзобод, Олақанот, Дастурхончи, Қадим, Тайт, Истиқнол, Шўрқилшоқ, Эшон, Қушқўноқ, Ровот, Шайдо, Оқолтин, Хилла, Арабқилшоқ, Омонжўра, Кўприкбоши, Солпи, Гарагури қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда Кумакай, Чумбоғич, Бештол шаҳарчалари аҳолиси оптик толали алоқа линиялари орқали телекоммуникация хизматларидан фойдаланишлари мумкин.


2020 йилда “Ўзбектелеком” АК оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги 72,1 минг км.ни ва аҳоли масканларининг оптик толали алоқа тармоғи билан қамров даражаси 55 фоизни ташкил этган. Жорий йил якунига қадар бу кўрсаткични 122,1 минг км.га етказиш режалаштирилган.



АНАЛОГ МИКРОПРОЦЕССОРЛАР БОЗОРИ ЕТАҚЧИЛАРИ

(Савдо ҳажми,
млрд. доллар, 2020 й.)

1. Texas Instruments – 10,886
2. Analog Devices – 5,132
3. Skyworks Solutions – 3,970
4. Infineon – 3,820
5. ST – 3,259
6. NXP – 2,466
7. Maxim – 2,000
8. On Semi – 1,606
9. Microchip – 1,420
10. Renesas – 890



Манба: IC Insights

Учрашув

БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Жорий йилнинг 8 июн куни Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида соҳа корхоналари мутахассислари ҳамда филиал битирувчилари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда АКТ вазирлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси, “Ўзбектелеком” АК ва ИТ-Парк Самарқанд филиаллари вакиллари ҳамда битирувчи ёшлар иштирок этди.



Учрашувда соҳа корхоналари мутасаддилари вилоят аҳолисига телекоммуникация соҳасида яратилаётган қўлайликлар, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида маълумот беришди. Сўнг улар ҳар бир битирувчи билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг қизиқишлари билан яқиндан танишишди ва соҳа корхоналарида ишлаш истагини билдирган ёшларга амалий ёрдам беришларини билдиришди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд
филиали матбуот котиби

Харакатлар стратегияси

Umadan
umagacha



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 8 июн куни қишлоқ ҳужалиги, тадбиркорлик ва хизматларни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини кўпайтириш бўйича вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда аҳолини чорва, парранда ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг 8 июнида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Ариповнинг Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан видеоконференция шаклида учрашуви бўлиб ўтди. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали охири мулоқоти якунлари бўйича икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 9 июн куни Қатар Давлати Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон-Қатар муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, қўша инвестиция жамғармасини ташкил этиш, Қатарнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтларини жалб қилган ҳолда санот тармоқларида замонавий ишлаб чиқаришларни ишла тушириш, мамлакатимизда қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, инфратузилмани модернизация қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва илгари сурши муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг тақлифи биноан 10-11 июн кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари кўриб чиқилди. Кўп қиррали шерикликнинг янги "ўсиш нуқталари"ни белгилаш ҳамда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ лойиҳаларни илгари суршига алоҳида эътибор қаратилди. Президентлар халқро ва минтақавий аҳамиятта молик масалалар юзасидан фикр алмашди.

Матбуотда Ўзбекистон Президенти имзолаган "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ҳамда "Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона ҳужалиқларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.


РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН-2030

СТРАТЕГИЯ ДОИРАСИДА САМАРҚАНДДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг ўттиз учинчи сессияси кун тартибига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси бўйича Самарқанд вилоятида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот берилди.

Ҳисоботда "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси доирасида вилоятда рақамли инфратузилмани, электрон ҳуқуқат, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Жумладан, вилоятни рақамли трансформация қилиш дастурига асосан 2022 йил якунига қадар 47та лойиҳа, Нуробод ва Қўшработ туманлари бўйича 73та тадбирлар амалга оширилаётганлиги, бугунги кунга қадар 65 фоизи бўйича ишлар якунига етказилганлиги айтиб ўтилди ва амалга оширилган ишлар бўйича батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, жорий йил якунига



қадар барча умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳалла фуқаролари йиғинлари юқори тезликдаги интернет тармоғи билан қамраб олинishi, вилоятнинг 20та ҳудудида Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилиши, фармон доирасида 329,6 минг кенг полосали кириш портлари ўрнатилиши, соҳаларда "Электрон қундалик", "Электрон поликлиника", "Электрон шифохона", "Шаффоф қурилиш", "Ижтимоий ҳи-

моя ягона реестри", "Маҳалла" сингари ахборот тизимлари жорий этилиши тўғрисида айтиб ўтилди.

Ҳисобот якунида депутатлар томонидан берилган саволларга жавоб берилиб, "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастури доирасида вилоятда бажарилиши белгиланган лойиҳаларнинг тўлиқ амалга оширилиши бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлиги ҳамда барча лойиҳалар доимий назоратда эканлиги таъкидланди.

АКТ ХАБАРЛАРИ

ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗИДА ИЛК DEMO DAY БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги инкубация марказида университет ҳамда IT-Парк ҳамкорлигида биринчи Demo Day бўлиб ўтди. Унда университет ректори, IT-Парк директорининг халқаро фаолият бўйича ўринбосари ҳамда талабалар ва инкубация дастури иштирокчилари қатнашдилар.

Demo Dayда Eventpad - ҳар бир ташкилотчига ўз тадбирини ўзи ташкил этишига ва ўтказишига имконият яратадиган ягона платформа, Poly.uz - футбол майдонларини брон қилиш ҳамда қўшма футбол матчларини таш-

кил этишига мўлжалланган илова, 3D Kutubxona - бу китоб мутолаа қилиш учун барча қулайликларга эга бўлган онлайн кутубхонани тақдим этувчи платформа, PMP platform - дори-дармонларни онлайн харид қилиш ва бемор билан онлайн консултация ўтказишига мўлжалланган платформа каби тўртта стартап лойиҳа қатнашди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўйилган баҳоларга кўра, 3D Kutubxona, Poly.uz, Eventpad лойиҳалари энг яхши деб топилди ва ғолиблар пул мукофотлари билан тақдирланди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ХАМ E-QAROR ИШГА ТУШИРИЛДИ

Фарғона вилоятида ҳам АКТ вазирлигининг ҳудудий бошқармаси, UZINFOCOM ягона интегратори ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ишлар олиб борилиб, вилоят ҳудудларида босқичма-босқич E-qaror тизимини жорий этиш бўйича ўқув-семинарлари ташкиллаштирилмоқда.

E-qaror тизими орқали ҳоқимликларнинг қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, уларга тақдорланмайдиган махсус рақам бериш ва автоматик тарзда эълон қилиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, манфаатдор идоралар томонидан лойиҳаларни келишиш, қарорлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорликни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёнини мониторинг қилишни амалга ошириш мумкин.



ВОБКЕНТДА Е-ХАТ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА


Вобкент туманидаги маҳаллий Давлат ҳокимияти органлари, қорхона ва ташкилотларига бепул Е-Хат ҳимояланган электрон почтасининг электрон рақамли имзолари топширилди.

2021 йил 21-22 январь кунлари Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи давомида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бухоро вилоятининг Вобкент туманида "ўсиш нуқталари"ни таъминлашга масъул сифатида бириктирилган.

Жорий йилнинг 8 июн куни Вобкент тумани ҳокимлигида АКТ вазирлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Вобкент туманидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қорхона ва ташкилотлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини кенгайтириш мақсадида Е-Хат ҳимояланган электрон почта тизимига уланиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича ўқув семинари ўтказилди.

Семинар якунида, иштирокчиларга "UNICON.UZ" ДУКнинг бир йил давомида бепул фойдаланиш имкониятига эга Е-Хат ҳимояланган электрон почтаси тизимининг 48та электрон рақамли имзо калитлари топширилди.

МАҲАЛЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ БОШЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги фармони ижроси доирасида Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари буйруғига асосан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган “Боғибўстон”, “Бўзсув”, “Шайх Шивлий”, “Янги тарнов”, “Туркистон”, “Анорзор”, “Биллур”, “Ғайратий”, “Аҳмад Дониш”, “Ифтихор” маҳаллалари фаоллари билан бирга маҳаллалардаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ўрганиш жараёнлари бошланди.

Жумладан, МФЙ фаоллари билан биргаликда таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, маҳалла хонасида жойлашган компютер техникаси, телефон ва интернет тармоқларининг ишлаш сифати оширилди, ободонлаштириш ишлари давом эттирилиб, болалар майдончаларини таъмирлаш ишлари якунланди.

Шунингдек, университет томонидан маҳаллалардаги уюшмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариш мақсадида турли тўғарақлар ташкил этилиб, мунтазам машғулотлар олиб

борилмоқда. Тўғарақларга асосан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари қамраб олинган бўлиб, уларга математика, физика, инглиз тили, компютер саводхонлиги, информатика ва ахборот технологиялари бўйича университет профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари томонидан бепул таълим берилаяпти.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаро йиғинларининг веб-сайт тизими ҳам яратилмоқда.

Шунингдек, 2021 йил 18 май куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маҳалла ва ои-

лани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, ИТ-Парк, ТАТУ, Тошкент шаҳридаги ИНҲА ҳамда Амрити университетлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган хотин-қизларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига жалб қилишга қаратилган “IT WomenUz 2021” лойиҳаси доирасида “Аёллар дафтари”га кирган хотин-қизлар учун “Компютер саводхонлиги” ўқув курсининг иккинчи мавсумига старт берилди. Ушбу курсга Юнусобод тумани кесимида 29 нафар хотин-қизлар қамраб олинди.

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, тивувчилик, сартарошлик,

театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш бўйича Тошкент шаҳрида жойлашган (Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган 1 ва 2-сонли, Тошкент радиотехника ва автоматика) касб-ҳунар мактаблари тўғрисидаги маълумотлар олинди.


Энг эътиборлиси, ТАТУ спорт мажмуасида мини-футбол, стол теннис, гандбол, волейбол, шахмат-шашка, бадминтон турлари бўйича маҳаллалар орасида ўртоқлик учрашувларини ташкил этиш, маҳаллаларда маданий-маърифий ижодий учрашувлардаги тадбирларни юқори савияда ўтказишга қўмаклашиш, карантин талабларига қатъий амал қилиш ҳамда уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча асосий вазифалар белгиланди ва ҳамкорликда фаолият қўрсатишга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

УЧИНЧИ ТАШАББУС

Янги IT-МАРКАЗЛАР ОЧИЛДИ

Қашқадарё



Мамлакатимизда аҳоли ва ёшларнинг компютер технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар

давоми сифатида Қашқадарё вилояти Китоб туманида ҳам Ахборот технологиялари ўқув маркази очилди.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Китоб тумани ҳокими

Алишер Закиров, АКТ вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Санжар Арипов, ТАТУ Қарши филиали директори Адилбек Тургунов ҳамда IT-марказ вакиллари иштирок этди.

Иштирокчилар марказда яратилган шароитлар билан танишиб, ёшлар билан мулоқотда бўлдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Жиззах



Жиззах вилоятининг Зомин туманида замонавий инфратузилмалар билан жиҳозланган IT-марказ очилди. Бу вилоятда ташкил этилган тўққизинчи ўқув маркази ҳисобланади.

Рақамли технологиялар ўқув маркази очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси, Зомин туман ҳокимлиги раҳбар ва ходимлари, ИТ-Парк маслаҳатчиси жаноб Паргасартилар сўзга чиқиб, ёшлар учун яратилган


шароитлар билан таништириб ўтишди.

Шинам хоналарга эга бўлган янги марказ замонавий компютер жиҳозлари, юқори тезликда ишловчи интернет тармоғи билан таъминланган. Бу ерда туман ёшлари учун компютердан самарали фойдаланиш, дастурлаш, веб-дизайн, компютер графикаси, киберспорт ўйинлари каби ихтисослашган ўқув курслари ташкил этилган. Шу билан бирга, ўқув марказида тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириш режалаштирилган.

Хориждаги ватандошлар

ТЕМУР УМАРОВ: “ЎЗИМНИ МИНГЛАБ ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАЙДИГАН ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШДА КЎРАМАН”

Бу галги суҳбатдошимиз Темур УМАРОВ 2018 йили Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети бакалавр босқичини тамомлаган. Ҳозирда Германиянинг нуфузли DAAD дастури стипендияси ёлиби сифатида магистратура босқичида таҳсил олмақда.



ЭҲТИЁЖЛАР ЧЕКСИЗ, РЕСУРСЛАРНИНГ ЭСА ЧЕГАРАСИ БОР

Ҳаётдаги кўплаб қарорлар болаликдаги орзулардан келиб чиқади. Онам 30 йилдан бери тиббиёт йўналиши талабаларига иқтисодий назария асосларидан дарс беради. Болалигимда мен ҳазиллашиб, нима учун шифокорлар иқтисодни ўрганиши керак, агар уларнинг вазифаси бизни даволаш бўлса, деб сўрадим. Онам айтди: “Ҳар қандай ўзини ҳурмат қиладиган инсон, одамларнинг истақлари ва эҳтиёжлари чексиз, ресурсларнинг эса чегараси борлигини тушуниши керак. Ҳар бир саводли одам бозорда талаб ва таклиф асосларини, яъни ички маҳсулот нима эканлигини, самарадорлигини билиши лозим”. Вақт ўтиши билан мен ушбу мазму ҳақида ҳазиллашни тўхтатдим.

Мен иқтисод ва молия соҳасини танладим. Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида грант асосида ўқиш бахтига муяссар бўлдим. IELTS 7.5 чиққан, математика ва мантқиқ эса 88 фоиз. Ушбу университетда ақлий ва илмий жиҳатдан анча ўсдим. Ўқиш жуда қийин, аммо ниҳоятда қизиқarli эди. Магистратурадаги йўналишимни бошқарув ва тадбиркорликка ўзгартирдим, аммо кўплаб иқтисодий тамойиллар менинг кундалик фаолиятимда акс этади. Менинг кўп кучим, бошқалар сингари, қарор қабул қилишга сарф қилинади. Чунки вақт ва энергия чекланган, сиз нима қилиш мумкинлигини ва нима қилишни хоҳласангиз, минглаб вариантлар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, ҳаётини имкониятлар жуда кўп. Ҳамма нарса инсоннинг устуворликлари ва кадрларига боғлиқ.

Қарорлар қабул қилаётиб, имкониятнинг нарҳини таҳлил қиламан, яъни бунинг ўрнига яна нима қилишни мумкин эди... Бундан ташқари, хатарларни таҳлил қиламан: масалан, у ёки бу ечим максимал зарарни келтириб чиқариши мезъирини ёки минимал ютуқ қанчага тенг бўлишини. Utility тушунчасини ҳисобга оламан: содда қилиб айтганда, маълум бир қарорга олиб келадиган завқ ёки қувонч даражаси. Буларнинг барчаси иқтисодиёт билан боғлиқ.

ТИББИЙ СУҒУРТА, САЁҲАТ ВА ВИЗА ХАРАЖАТЛАРИНИ КОПЛАЙДИ

Менинг икки нафар опам бор. Улардан бири Буюк Британияда, иккинчиси АКШда грант асосида ўқиган. Мен улар-

нинг йўлини такрорлашни хоҳламайман деб ўйлардим ва бошқа давлатни излаш нияти билан юрар эдим. Тилга келсак, танишларим хитой, француз ва немис тилларини ўрганишган. Мен эса, Германияда таълим бепул эканлигини билиб, 2016 йили немис тилини ўрганишга ва дастурлар билан танишишга қарор қилдим. Тез орада DAAD стипендияси ҳақида билдим. Дастур ҳар ой стипендия беради, шунингдек, тиббий суғурта, саёҳат ва виза харажатларини қоплайди.

2016 йилдан бошлаб Германияга боришни ният қилган бўлсам-да, 2018 йили грант ололмаганман. 2019 йилда иккинчи уриниш муваффақиятли бўлди.

ЎЗИМДА БАЪЗИ ЎЗГАРИШЛАРНИ СЕЗЯПМАН

Германияда 1,5 йил яшаб, ўзимда баъзи ўзгаришларни сезяпман. Масалан, доимий эҳтиёж тўғрисидаги буюмлардан воз кеча бошладим. Кўпроқ жисмоний ҳаракат қилиб, паркларда сайр қилиш кундалик одатга айланмоқда. Чунки бу мамлакатда инсонлар эрталаб ва ишдан кейин югуришади, велосипедда юришади.

Биргина рюкзак билан саёҳат қилишга ўргандим. Кечки овқатга, кўп-ниларга ўхшаб, меваларни ва салатларни истеъмол қиламан. Натижада, озгина озиб, энгил бўлиб қолдим. Озроқ гўшт, кўпроқ балиқ. Хонадан чиққанимда, чироқни ўчириш одат бўлиб қолди, чиққанимда яхшилаб саралайман. Ширинликлар ўрнига, тиббий пиширилган маҳсулотларни қадрлайман. Мазали палов дамлашни ўргандим. Ўзбекистонда овқат одатда уйда тайёрланарди, шу боисдан бунинг қадрига тўлалача етмас эдим.

Чиройли бўлса-да, маҳаллий кўча санъатини ҳали тушуниб етганим йўқ.

Немислар – муҳандислар. Уларнинг машиналари, архитектура, машиний техникаси, дўконларига ҳавас қиламан. Сабаби улар ҳар қандай муаммо учун муҳандислик ечимини таклиф қилишади. Шунингдек, немис таомлари анъаналарга бой эмас, аммо пишлоқлари мазали. Яна бу ерда кийимларни онлайн сотиб олсангиз, уйга етказиб берилади. Ёқмас, почта орқали текинга қайтариш мумкин.

Бошида метрополитенда чипта сотиб олмасдан юрган эдим. Кейин нақд 60 евро жарима тўлаб, керакли дарс олдим. Доимий равишда тангаларни ўзим билан бирга олиб юраман. Деярли кечикишни тўхтатдим. Пул сарфлашга кўпроқ эъти-

бор бера бошладим. Фақат керак бўлган буюмларинигина сотиб олайман.

Немислар – камтарин халқ. Уларга сабзавот боғи, велосипедда ёки Ҳатико билан сайр қилиш маъқул. Ҳашаматлар ва олтин тишлар уларни ҳайратга солмайди. Хоҳлайсизми-йўқми, бу ерда сиз маданияттироқ бўлишингиз керак. Светофорнинг қизил чироғи ёнган пайти юриш мумкин эмас, ҳеч ким ундай қилмайди ҳам. Умуман олганда, Германия кўп сабоқ берди.

ҲАҚИҚИЙ ТАДБИРКОРДА ПУЛ ИШЛАШ МАҚСАДИ ЙЎҚ

Германияда ўтказган вақтим менга ҳаётимдаги устуворликларни аниқлаштиришга, нимани хоҳлаётганимни ва истамаслигимни, ўзимдан кейин қандай из қолдиришимни, кучли ва заиф томонларимни тушунишга ёрдам берди. Хорижда магистратура бўйича таҳсил олиш, фикрлашни тизимлаштиришга ёрдам беради, деб ўйлайман. Биз болаликдан жуда кўп билим ва тажрибаларни тўплаймиз, аммо ҳамма нарса мияда тарқоқ. Магистратура барча билим ва тажрибаларни жавонларда тартиблаштиради.

Ҳозир тадбиркорлик ва менежмент йўналишида ўқийман. Айна пайтда биз бутун дунёда тадбиркорлик ривожланган ётганини кузатишимиз мумкин. Илон Маск, Стив Жобс ва Ҳенри Форднинг ҳикоялари барчани қизиқтиради. Нима учун? Ўйлашимча, чунки бу тоифадаги одамлар дунёни ўзгартирмоқда.

Атрофда самарасиз фойдаланилаётган кўплаб ресурслар мавжуд. Тадбиркорлар ушбу ресурсларни самарадорлиги паст бўлган жойлардан ушбу ресурслар самаралироқ бўлган жойга ўтказишга қодир. Инновациялар пайдо бўлиши ва амалга оширилишига айна улар ҳисса қўлади. Гап дарахтлар кесадиган, пул ишлаш учун уйлар қурадиган ишбилармонлар ҳақида эмас. Биз паст сифатли товарлар ёки хизматлар яратадиган ва имтиёзлар орқали бозорга зарар етказадиганлар ҳақида гапирмаяпмиз.

Ҳақиқий тадбиркорда пул ишлаш мақсади йўқ. У каттароқ фикрлайди. Яъни, у муаммони ҳал қилмоқчи ёки одамлар учун янги имкониятлар яратмоқчи. Мамлакатимиз минтақавий, глобал маҳсулотлар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ижодий фикрловчи тадбиркорлар ҳамда ташаббускор мутахассисларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Айна шу одамлар мутахассисларни, мақсад ва келажақни дизайн орқали бирлаштирадидилар, улар бошқа инсонларни шахсий ривожланиш учун илҳомлантиради, айнан улар тарих қолдиради.

КЎП ВАҚТ ВА КУЧНИ ҚАНДАЙДИР СТАНДАРТЛАР УЧУН САРФЛАДИК

Ўзбекистонда тадбиркорлик таълими соҳасида баъзи муаммолар мавжуд. Бизда мактабда тўғридан-тўғри ёки билвосита тадбиркорлик билан боғлиқ фанлар бўлмаган. Масалан, омма олдидан нутқ сўзлаш, маркетинг, сотиш санъати, қиймат яратиш, ижодкорлик, маҳсулот ёки хизматларни яратиб бўйича дизайн ишлари, фикрлаш, мунозара, дебатлар.

Ҳар бир талабанинг кучли ва кучсиз томонларини излаш ва ўқувчиларга нисмаларни ўрганишни танлашларига рухсат бериш ўрнига, биз кўп вақт ва кучни қандайдир стандартларга жавоб бериш учун сарфладик. Шу боисдан бўлса керак мактабдан кейин аксарият ўқувчилар бундан кейин нима қилишни билмайдилар. Шунинг учун стандартлар бўйича ўқитиш ўрнига, мактабларда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган нарсаларини танлаб оладиган ва оз сонли предметларга эътиборни қаратадиган эркин муҳит яратилиши лозим. Шунингдек, мен кўникмаларни ривожлантиришни таклиф қиламан.

Маълумотларига кўра, 2025 йилда энг талаб қилинадиган кўникмалар таҳлилий ва танқидий фикрлаш, фаол тинглаш, муаммоларни ҳал қилиш, ижодкорлик ва ташаббускорлик, етакчилик ва ташаббускорлик, технологиялардан фойдаланиш, технологияларни лойиҳалаш ва дастурлаш, замонга мослашувчанлик ва стрессга бардошлик, гоёларни яратиш ва аргументация.

ХУСУСИЙ СЕКТОРДА ИШЛАШНИ РЕЖАЛАШТИРГАНМАН

Йил охирига қадар Ўзбекистонга қайтиб, хусусий секторда ишлашни режалаштирганман. Ҳозирча аниқ қаерда ишлашимни ҳал қилмадим, лекин менга қизиқ туюладиган бир неча вариант бор. Мени IT ва чакана савдо соҳаси, логистика ва молия соҳалари жалб қилади, чунки улар фаол ривожланмоқда.

Узоқ вақт давомида мен ўзимни тадбиркорликда ёки минглаб одамларнинг ҳаётини яхшилайдиган йирик лойиҳаларни бошқаришда кўраман. Бу узоқ муддатли мақсад бўлиб, у ҳозирча фақат шақлга эга. Аммо унга қандай етиб боришни аниқ билмайман. Мен жуда кўп режалар қилмаслигини ва импровизация учун жой қолдиришни афзал кўраман.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашди

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

ОДНА ИЗ КРУПНЕЙШИХ БЕЛОРУССКИХ ИТ-КОМПАНИЙ

IBA GROUP

СТАНЕТ РЕЗИДЕНТОМ IT-PARK

В рамках визита Директора IT-Park Фархода Ибрагимова в составе делегации Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан в Беларусь во главе с Министром по развитию информационных технологий и коммуникаций Шухратом Садиковым прошла встреча с генеральным директором «IBA Group» Сергеем Акуличем.

В ходе встречи стороны обсудили возможность совместной организации образовательной программы по подготовке IT-специалистов на базе региональных IT-Центров, а также различных программ, обеспечивающих профессиональную подготовку для преподавателей данных IT-Центрах.

Одной из тем разговора также стало сотрудничество в направлении сельского хозяйства. Стороны рассмотрели возможность сотрудничества в области цифровизации сельского хозяйства, а именно, создание единой системы управления сельскохозяйственной техникой.

Итогом встречи стало подписание меморандума о сотрудничестве между IT-Park Uzbekistan и IBA Group. В дальнейшем, IBA Group



зарегистрирует юридическое лицо в Узбекистане и станет резидентом IT-Park.

IBA Group – это международный холдинг, один из крупнейших системных интеграторов, разработчиков, производителей и поставщиков информационных технологий в Центральной и Восточной Европе. Всего в компании более 2 800 сотрудников. За 25 лет

работы реализовано более 2 000 успешных крупномасштабных проектов на заказ более чем в 40 странах мира.

Компания также входит в мировой ТОП-100 аутсорсинговых компаний и в ТОП-3 крупнейших работодателей в сфере IT в Беларуси. Оборот компании на 2020 год составляет больше 380 000 000 долларов США.

КОНКУРС

100 ИДЕЙ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА!

Агентство по делам молодежи в партнёрстве с IT-Park и Министерством инновационного развития Республики Узбекистан запустил республиканский конкурс «100 идей для Узбекистана» для активной молодежи страны в возрасте от 14 до 30 лет.

В рамках конкурса участникам необходимо предложить идею по улучшению одного из нижеперечисленных направлений:

- наука, образование и здоровье;
- культура и искусство;
- медиа;
- спорт и туризм;
- развитие государственных услуг;
- строительство, архитектура и транспорт;
- предпринимательство и занятость;
- сельское хозяйство, орошение и агро-технологии;
- информационные технологии и инновации;
- экология, возобновляемые источники энергии и химические технологии.

По итогам, 100 лучших авторов идей получат следующие поощрительные призы:

- диплом, подтверждающий победу в конкурсе «100 идей для Узбекистана»;
- доступ к альбому «100 идей для Узбекистана»;
- внесение идеи в Кабинет Министров Республики Узбекистан;
- возможность презентации идеи автором Президенту Республики Узбекистан на втором форуме «Молодежь Узбекистана»;
- реализацию идей при финансировании Агент-

ством по делам молодежи в установленном законом порядке.

Конкурс будет состоять из трех этапов: отборочного тура, регионального и республиканского этапов.

Конкурс «100 идей для Узбекистана» является абсолютно бесплатным и в нем могут принять участие все желающие в возрасте от 14 до 30 лет, независимо от национальности, пола, языка, религии или социального происхождения.


Подать заявку можно индивидуально или в команде до 5 человек. Дедлайн подачи заявок: 20 июня

Для подачи заявки перейдите на официальный сайт конкурса: <https://100ideas.uz/ru>



ГОСУСЛУГИ

**С 1 ИЮЛЯ
ПРЕКРАЩАЕТСЯ
ВЫДАЧА ИНН
ГРАЖДАНАМ**



ПИНФЛ становится единым идентификатором, другие идентификаторы запрещаются.

Государственными органами и организациями категорически запрещается вести другие номера-идентификаторы. В связи с этим с 1 июля отменяется выдача ИНН гражданам, подтвердили в Государственном налоговом комитете. Учет будет вестись по ПИНФЛ.

ПРИЛОЖЕНИЯ

**UZBEKISTAN
AIRWAYS
АНОНСИРОВАЛА
ПЕРЕЗАПУСК
ПРИЛОЖЕНИЙ**



«На данный момент разрабатывается новое мобильное приложение Uzbekistan Airways, которое будет включать в себя ряд функций, в том числе покупка авиабилетов в онлайн режиме», — сообщили в пресс-службе компании.

В феврале работа мобильного приложения как для Android, так и для IOS была временно приостановлена в связи с переходом на новую систему бронирования.


Запуск обновленных приложений намечается в IV квартале этого года.

ПРОЕКТ


**ФАО СПОСОБСТВУЕТ
ЦИФРОВИЗАЦИИ
ЛЕСНОГО ХОЗЯЙСТВА
В УЗБЕКИСТАНЕ**

В рамках проекта ФАО/ГЭФ «Устойчивое управление лесами в горных и долинных районах Узбекистана» на базе проектного института «Урмонлойиха» образован дата-центр и лаборатория геоинформационных систем (ГИС). Новые объекты послужат основой для современной системы инвентаризации и мониторинга лесов, а также будут способствовать дальнейшей цифровизации лесного хозяйства Узбекистана.





КИМ БИРИНЧИ БЎЛИБ ОЙДА ЎЗ БАЗАСИНИ ЯРАТАДИ?



Айни пайтда уч мамлакатнинг Ой дастури бор: Америка, Россия, Хитой. Шулар орасида биринчи бўлиб Ойда ўз базасини ярата олгани фазовий пойгалар етакчисига айланиши ҳақида Naked Space телеграм-канали ёзмақда.

АҚШ (NASA) 2019 йилнинг май ойида инсонни Ойга қайтариш дастурини (Artemis) очиқлади. Унга кўра, 2024 йилда Ойга парвоз қилиниб, инсон иккинчи мартаба Ернинг табиий йўлдошига қадам қўйиши режалаштирилган.

Россия дастури 2028–2029 йилларда Ойга учувчисиз парвозларни мўлжаллаётган, 2030 йилда эса илк рус космонавтини Ойга юбориш кўзда тутилган.

Хитой Ойнинг жанубий қутбидида 2023–2024 йилларда роботлашган илмий станция қуришни, кейинроқ, 2028 йилда фазогирларни жўнатишни режалаштирган.

Ҳозирча бу мамлакатлардан биронтаси ўз дастурини интихосига етказгани йўқ, демак, пойга давом этади. Халқаро қонунчилик мамлакатларнинг Ойни бўлиб олишини тақиқлайди, афтидан, Ой мустамлакачилари захиралар учун Ерда бошланган курашни Ойда давом эттиришади.

ХИТОЙ РАҚАМЛИ ВАЛЮТАНИ ИШГА ТУШИРИШГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Пекин аҳолиси орасида лотереяда рақамли валюта кўринишидаги 40 миллион юан (тахминан 6,2 миллион доллар) ўйналади.

CNBC хабар беришича, 7 июндан олдин лотереяда рўйхатдан ўтган ҳар бир киши 200 рақамли юан (31 доллар) ютиб олиши мумкин. Кейин пулни танланган онлайн сотувчиларга сарфлаш мумкин.

Хитой рақамли валютани ишга туширишга яқинлашмоқда — оддий пул билан деярли бир хил, фақат бу пул ўзи иштирок этган барча операцияларни, олдинги эгаларини хотирасида сақлайди.

ХАКЕРЛАР ТАРИХДА ЭНГ КЎП – 8,4 МИЛЛИАРД ПАРОЛНИ ЎМАРИШДИ

Киберхавфсизлик мутахассислари хакерлар форумида 100 гигабайтлик файлни аниқлашди. RockYou2021 номи бу файл тарихда энг йирик миқдордаги — нақ 8,4 миллиард дона паролни ўз ичига олган, бу эса сайёраимиз аҳоли сонидан ҳам кўп!



Айтиш керакки, 2009 йили ҳам ўғирланган пароллар RockYou номи билан чиққанди. Ушанда хакерлар ижтимоий тармоқларнинг серверлари химоясини бузиб, фойдаланувчиларнинг 32 миллиондан зиёд паролларини ўмаришганди.

RockYou2021 файли камида 8,4 млрд. комбинацияни ўз ичига олганлигини ҳисобга олсак, унда сизнинг паролингиз ҳам мавжуд бўлиши эҳтимоли юқори...

АМАЛДАГИЛАРИДАН 10 КАРРА КУЧЛИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЯРАТИЛДИ

Пекин сунъий интеллект академияси мутахассислари тарихдаги энг кучли нейрон тармоғини яратдилар. Engadget ёзишича, Wu Dao 2.0 энг яқин рақобатчисидан 10 баравар кучлироқ!

Муайян вазифаларга мўлжалланган бошқа нейрон тармоқлардан фарқи ўлароқ, Хитой нейрон тармоғи мултимодадир: қадимги хитой тилида иншолар ва шеърлар ёзади, оғзаки тавсифлардан фотореалистик тасвирлар яратади, нутқни симуляция қилади, ошпазлик рецептларини тузади, хаттоки оқсилларнинг уч ўлчамли тузилмасига чизиб беради.

ДУНЁ БОЗОРИНИНГ 70 ФОИЗИ БЕШ КОМПАНИЯ ҚЎЛИДА

Gartner компанияси жорий йилнинг илк чорағига доир жаҳон смартфон бозори ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, бозор бу йил 2020 йилнинг биринчи чорағига нисбатан 26 фоизга ўсиб жами 378 миллионга ақли телефон сотилган.



Энг кўп смартфон сотган компания — Samsung савдо кўрсаткичларини 55,333 миллион донадан 76,661 миллион донага оширган ёки бозордаги улуши 18,4 фоиздан 20,3 фоизга кўтарилган.

Иккинчи ўринда — Apple: ўтган йил 1-чорағида 40,920 миллионга, 2021 йилнинг илк чорағида 58,551 миллионга "айфон" сотган. Компаниянинг бозордаги улуши 15,5 фоизга етди (бир йил аввал 13,6 фоиз эди).

Xiaomi ҳам кучли учликда — унинг чорақик сотувлари бир йилда 29,678 миллион донадан 48,939 миллионга етган. Смартфонлар бозоридagi улуши ўтган йилнинг илк чорағидаги 9,9 фоиздан бу йил бошида 12,9 фоизга чиқди.

Етақчилар сағига Vivo ҳамда Oppo ҳам кирган — уларнинг ҳар бири смартфон бозоридида 10,2 фоиздан улушга эга. Бир йил олдин уларнинг улушлари тегишлича 7,4 ва 8,0 фоиздан эди.

Қолган барча ишлаб чиқарувчиларнинг бозор улуши биргаликда 30,9 фоизни ташкил этмоқда.



Халқаро ҳаёт

ПУТИН ОЧИҚ ОСМОН ШАРТНОМАСИДАН ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ

Россия президенти Владимир Путин Очиқ осмон шартномасини бекор деб эълон қилувчи (денонсация) қонунни имзолади. Тегишли хужжат ҳуқуқий ахборотлар расмий порталида эълон қилинди, деб ёзади "РБК".

Маълумот учун: Очиқ осмон шартномаси 1992 йил 24 мартда Хелсинки шаҳрида имзоланган эди.

2020 йил 21 майда ўша пайтда АҚШ президенти бўлган Доналд Трамп ҳам АҚШ ушбу шартномадан чиқиб кетаётганини эълон қилганди. Трампнинг сўзларига кўра, Россия шартнома қоидаларини бузган. Шартномага биноан томонлар бошқа давлатларнинг худудлари бўйлаб текширув парвозларини амалга оширишга ҳақли ҳисобланади.

Европа Иттифоқи, ўз навбатида, Россиянинг Очиқ осмон шартномасидан чиқиб қароридан афсусда эканини айтиб, Россия бу ниятини қайта қуриб чиқишига умид билдирди.

ДУНЁДА ЯДРО ҚУРОЛЛАРИГА БИР ЙИЛДА 72 МЛРД. ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ САРФЛАНДИ

Ядро қуролига эга мамлакатлар ушбу турдаги қуролга 2020 йилда 72,6 миллиард доллар сарфлаган. Бу ҳақда Ядро қурулини йўқ қилиш бўйича халқаро кампания (ICAN) ҳисобот берди.

Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, ядро қуролига сарфланган маблағ



миқдори 2019 йилга нисбатан 1,4 миллиард долларга кўпайган. Вақтбай ҳисоблаганда, мамлакатлар ядро қуроли учун ҳар дақиқада 137 666 доллар сарфлаган.

ICAN ҳисоб-китобларига кўра, АҚШ ядровий қурол ишлаб чиқаришга энг кўп сармоя киритган — 37,4 миллиард доллар, бу Хитой сармоясидан 3,7 баравар кўп. Хитой 10,1 миллиард доллар сармоя билан иккинчи ўринда турибди. Россия ушбу кўрсаткич бўйича учинчи ўринда. Мамлакат бир йилда 8 миллиард доллар (ёки ҳар дақиқада 15 222 доллар) сарфлаган.

АҚШДА COVID-19 СУНЪИЙ КЕЛИБ ЧИҚҚАНИ ҲАҚИДА ДАЛИЛЛАР ТОПИЛДИ

SARS-CoV-2 коронавируси табиий пайдо бўладиган коронавирусда қайд этилмаган генетик изга эга. Бу ҳақда Калифорния университетининг физика фанлари профессори Ричард Мюллер ва доктор Стивен Куэя маълум қилди. Мутахассисларнинг мақоласи The Wall Street Journalда чоп этилди.

SARS-CoV-2 лабораторияда олимлар томонидан яратилгани ҳақида сигнал вирусда геномларнинг CGG-CGG комбинациясидаги кетма-кетлиги топилгани билан боғлиқ. Олимлар бирикмадан кўпинча юкумилик ва ўлим келтириш даражасини оширишда фойдаланади. Табиатда ушбу бирикма жуда кам учрайди.

ПОКИСТОН ЎЗ ҲАРБИЙ БАЗАЛАРИНИ АҚШГА ТАҚДИМ ЭТИШДАН БОШ ТОРТДИ

Покистон Афғонистондан ўз қўшинларини олиб кетаётган ва зарурат туғилганда ушбу мамлакатда зудлик билан терроризмга қарши операцияларни амалга ошироқчи бўлган АҚШга ўз ҳарбий



базаларини тақдим этишдан бош тортди. Бу ҳақда Anadolu агентлиги хабар берди.

"База излаш уларнинг истаги бўлиши мумкин. Лекин уларга бизнинг базаларимизни бериш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, биз ўз манфаатларимиз ҳақида ўйлашимиз керак", — деб таъкидлади Покистон ташқи ишлар вазири Шоҳ Маҳмуд Қурайши.

Маълумот учун: АҚШ 2021 йил май ойидан Афғонистондан ўз қўшинларини олиб чиқа бошлади. Бу жараённинг 2021 йилнинг 11 сентябргача якунланиши кутилмоқда.


АРКТИКАДА РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ КАТТА МУЗ БЎЛАГИ ЭРИДИ

Арктикада денгиз музининг улкан бўлаги эриб кетди. Минтақа иқлими учун ғайриодатий бўлган ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши музликларга таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳақда Scitech Daily хабар берди.

"2007 йилга таққослаганда 2021 йилда қишқи даражага 21 мартда эришилди. Бу сунъий йўлдош томонидан қайд этилган қишқи денгиз музининг энг паст даражаси ҳисобланади", — таъкидлашмоқда мутахассислар.

Бу йил Арктика музининг максимал даражаси 14,77 миллион квадрат километрга етди. NASA маълумотларига кўра, бу 1981 йилдан 2010 йилгача қайд этилган ўртача кўрсаткичдан 880 минг квадрат километрга камроқ.


Эриган муз майдонининг катталиги биргаликда ҳисоблаганда Украина ва Италия худудига тенг.



СПОРТ

РТУМ ХОДИМЛАРИ БЕЛЛАШИШДИ

Оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ҳамда самарали ташкил қилиш мақсадида Тошкент радиотелеузатиш маркази ходимлари ўртасида спортнинг мини-футбол, шашка, шахмат ва стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил қилинди.



Мусобақада барча ходимлар фаол иштирок этди. Яқунда совринли ўринларни эгаллаган иштирокчилар марказ раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Бухоро вилоятида “Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий қўйи тизимларининг Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган Сарез кўли тўғони ёрилиши хавфи юзага келганда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлари”га оид кўмондонлик-штаб ўқув машғулотлари ўтказилди.

Бунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, “Электромагнит мослашув

маркази” ДУК томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар, тегишли техник базанинг талаб даражасида экани, кўмондонлик-штаб ўқув машғулотларини ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилгани, фуқаро муҳофазаси бўйича берилган топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида бажариб келинаётгани ушбу муҳим тадбирнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлади.



ТАТУ ҲАЁТИДАН

ОЛИМПИАДА ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида Халқаро тармоқ институтига аъзо бўлган мамлакатимиз олий таълим муассасалари ўртасида ташкил этилган “Молиявий хавфсизлик” бўйича Халқаро талабалар олимпиадасининг ахборот хавфсизлиги йўналишида 2-саралаш босқичи Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда ТАТУ талабалари ўртасида юқори савияда ўтказилди.



Олимпиадада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи Фарход Очилов, “Кибер-хавфсизлик маркази” ДУК, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси Шоҳида Маннанова ҳамда ТАТУ раҳбарияти ҳакамлик қилишиб, ғолиб талабаларни аниқлаб беришди. Ҳакамлар ҳулосасига кўра, ТАТУ талабаларидан тўрт нафари – Искандар Айсав, Фариджон Тўрақулов, Бехруз Абсамитов ва Орзужон Раҳимов ғолиб деб топилди ҳамда Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро олимпиаданинг “Ахборот хавфсизлиги” йўналишининг якуний босқичида қатнашишни қўлга киритишди.

Шунингдек, шу куни Халқаро олимпиаданинг 1-саралаш босқичида ғолиб бўлган беш нафар талаба университет ректори томонидан Сертификат ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

ЭЪЛОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6044-сонли фармонининг 10-банди еттинчи хатбошига мувофиқ:

– “MEGA STROY BIZNES KLASS” масъулияти чекланган жамиятига (Самарқанд вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2017 йил 10 мартда берилган АА серия 0006127 рақамли;

– “TEN HANKOR LOYIHA” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри):

– маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2018 йил 26 августда берилган АА серия 0006577 рақамли;

– шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2018 йил 26 августда берилган АА серия 0006578 рақамли;

– “LUCKY PUNCH” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2020 йил 4 февралда берилган АА серия 0007033 рақамли;

– “TRUST AND RESPECT” масъулияти чекланган жамиятига (Фарғона вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 26 июнда берилган АА серия 0006908 рақамли;

– “SP DANA TRADE” хусусий корхонасига (Жиззах вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларидан куриш бўйича фаолиятга 2019 йил 26 ноябрда берилган АА серия 0006981 рақамли;

– “ALTUS STORY” масъулияти чекланган жамиятига (Фарғона вилояти):

– маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга 2019 йил 26 июнда берилган АА серия 0006669 рақамли;

– маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2019 йил 29 майда берилган АА серия 0006852 рақамли;

– шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2019 йил 29 майда берилган АА серия 0006853 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2021 йил 7 июндан тугатилди.

Мукофот муборак



КАСБГА САДОҚАТ МУВАФФАҚИЯТ ЭШИГИДИР

Кимнинг хулқи хуш, феъл-атвори тўғри бўлса, тилакларига етади... Мамасиддиқжон билан суҳбатлашар эканман доноларимиз айтиб кетган ана шу ҳикмат ёдимга тушди. Бу салкам қирқ йиллик почтачи ўзи ҳақида “Соҳам ўзимга ёқадди. Бошқа иш қўлимдан келмайди”дан нарига ўтмади. Начора, ўзим суриштира-суриштира қаҳрамоним ҳақида анча маълумотларни тўпладим. Уни синфдош дўстлари ҳам худди ана шу касбга садоқати, элим, юртим деб яшаётгани учун жуда эъзолашар, учрашув кунларини ҳам унинг вақтига қараб белгилашар экан.

– Йигитлик бурчини Қозоғистоннинг Қараганда шаҳрида ўтаб келган, жуда “огир карвон”, жиддий нигоҳли болани биз пахта терадиган колхоз бригадари, раҳматли Мухторжон ака бошлаб келган, “Билими чаккимас, Худо хоҳласа сизни уялтирмайди”, дея ишонч билдирганди, – эслайди устози Ҳамдамжон ака Имомов. – Уч ой роса синовда юрди. Сабри-тоқатига қойил, дейман ичимда. Кейин чиндан ҳам эплаб кетди. У даврда телекоммуникация билан бирга эдик. Қандай ишга қўймайлик жонкуярлик намуналарини кўрсатди. Электромеханик, бўлим оператори, бўлим бошлиғи, йўриқчи-тафтишчи...Энг ажойиби, унда ўзимда йўқ фазилатларни кўрдим. Айниқса, назоратни бир сония бўлсин бўшаштирмаслиги айна кўнглимдагидай эди. Дастлабки йилдаёқ муносиб шогирд келганига шукр қилганман. Бир сўз билан айтганда, унинг феъли ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали, манфаатли бўлиб, ҳеч ким ундан норози бўлмаган. Покдиллиги, тўғрисиўзлиги билан филиал раҳбариятининг назарига тушди. “Ходимингизни бизга берасиз, деб туриб олишди. Ноилож кўнганман. Хуллас, юзимни ҳамиша ёруғ қилиб келаётган, ўзимдан

ўзиб кетган шогирдимдан миннатдорман. Қаранг, мени шогирдим вазиригимизнинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганини кўриш бахтига муяссар эди. Яратганга беҳисоб шукронаи неъматдаман.

Яна бир энг муҳим маълумотни ҳар галгидай устоз Нўъмонжон ота Каримовдан олдим. Маълумки, почта билан телекоммуникация соҳалари ажратилган 1992 йилда ҳам почта тизими ҳалокатли аҳволда қолган. Шунда жамиятдан ноанъанавий усуллардан фойдаланиб, иш юритилишига руҳсат берилган. Вилоятдаги қатор почта тармоқлари ўзлари таклиф этган усуллар билан ишлашни йўлга қўйганлар ва тилга олгули ютуқларга эришганлар. Бу энди алоҳида мавзу, албатта. Қуваликлар, аниқроғи, Ҳамдам устоз билан Содиқжоннинг таклифлари жуда ўзгача бўлган – улар ўша заҳоти суратни чиқариб берадиган олти “Фаворит” фотоаппарти олиб беришни сўрашган ва бу сўров қондирилган ойдан бошлаб юқори даромадга киришган. Мундоқ ўйлаб кўрсангиз, унинг ҳар бир кун шундай жасоратни талаб этади. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали директори ўринбосари, почта хавфсизлиги инспектори Мамасиддиқжон Қодиров ҳар дам бошқарув ва сергак бўлиш зарур. Зотан, бу ўзига ҳам, филиалга ҳам, шогирдларга ҳам фойдали ва манфаатлидир.

У оилада ҳам ўта талабчан ота. Турмуш ўртоғи Муслимаҳон билан икки фарзандни – Аҳроржон ва Нафисахонни солиҳ инсонлар қилиб қаторга қўшганлар. Беш нафар невараларнинг бобоси ва бувиси Қодировларга ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди.

С.ҲАФИЗОВА

Суратда: Мамасиддиқ ҚОДИРОВ шогирдлари – Азизбек ҚАҲҲОРОВ ҳамда Абдулқаҳҳор МАҲМУДОВлар билан.



Дуо қилинг, азизлар!

Шаҳримизнинг шошилич тез ёрдам шифохонаси дорихоналардан биридаман.

Мендан аввал кирган 4–5 харидор бирин-кетин дориларини олиб чиқиб кетса ҳамки, чек-кароқда тортинибгина турган 18–19 ёшлардаги ўспирин, мендан аввал кирган бўлсада, харид қилмай тек туравериши эътиборимни тортди.

Инсонни ҳар қандай ҳолати юзидан намоён бўлади. Ўспиринда ҳам шундай, юзлари сўлғин, кўзларида ташвиш, хавотир бор эди. Назаримда ҳамма чиқиб кетишини кутаётгандек. Қизиқувчанлигим сабаб излаган доримни олиб бўлсам ҳам, худди дориларга қаратганча йигитчанинг сотувчига айтаётган сўзларига қулоқ солдим.

– Аямнинг мазаси йўқ, шу шифохонада ётибди, ёнимда пулим ҳам қолмади, дори жудаям зарур, паспортимни қолдирсам дори бериб тураверасизми, ака, – ўспирин йигит овозида ҳам ялиниш, ҳам уялиш ва ишонч, ҳам йиғлашдан ўзини зўрга тутиб тургандаги ҳолат бор эди.

Бу орада дорихонага 35–40 ёшлардаги эркак киши кириб келди.

– Майлику–я ука, фақат пулини тезроқ бера оласизми, бизда йиллаб қолиб кетган паспортлар ҳам бор, – деди дорихоначи.

– Бераман ака, ишонинг, Худо хоҳласа икки–уч кунда сизга пулини олиб келиб бераман.

Йигит бу гапларини сотувчи фикридан қайтиб қолмасин дегандек шошилиб гапирди.

Кишиларнинг ўзи ёки яқин инсони бемор бўлсаю дорига пули бўлмаса икки томонлама эзилади. Бир тарафдан муҳтожлиги, иккинчи тарафдан эса беморлик. Унга ич–ичимдан ачиндим.

Уларнинг суҳбатига худди мендек кузатаётган, навбат кутиб турган ҳалиги киши аралашди.

– Йигитчанинг дорилари нархини ҳисобладингизми? Қанча бўлар экан?

– 300 мингдан ошади.

– Мана 400 минг. Қайтимини бу укамга беринг, – деди дорихоначига юзланиб, кейин ўспиринга қаради–да, онангн эҳтиёт қилгин ука. Пулнинг эвазига эса, жума кунги дуолар ижобат бўлади, иншааллох, менинг фарзандимни дуо қилиб қўйгин, деди.

Йигитча қўлларини очди, лекин дуо қила олмади, гапира олмади, қўллари билан юзини беркитди, аниқроғи, кўз ёшларини кафтлари орасига беркитди.

Дуони сизларга қолдира қолдим, азизлар!

Малика АЪЗАМЖОН ҚИЗИ

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Ҳайъати:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1–тор кўчаси, 2–уй
(Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Солижон ЗОИРОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
хафтанинг
жума кунини
чиқари

Газета “Ўзбекистон” нашриёт матбаа
уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси 30–уй.

V 4714 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
2 босма табоқ. **Адади:** 5768

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда (74) 226-47-80

Бухорода (99)854-7305

Жиззахда (94) 199-95-64

Наманганда (91) 353-71-25

Навоийда (79) 225-91-10

Нукусда 554-35-45

Самарқандда (91)557-84-44

Термизда (99)508-30-52

Тошкентда 234-18-59

Ургачда (97) 211-65-05

Фарғонада (73) 244-18-05

Қаршида (93)931-08-99